



ДАВЛАТ МУЛКИДАН КЕЛАДИГАН БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

PhD Усманов Каҳрамонжон Ақбаралиевич
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мазкур мақолада давлат бюджетининг давлат мулки орқали келадиган даромадлари таҳлили ва соҳадаги муаммолар берилган. Шунингдек, хорижий тажриба ҳамда соҳадаги таҳлилий маълумотлардан фойдаланилиб илмий-амалий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат мулки, давлат мулки орқали келадиган даромадлар, давлат улуши бўйича дивиденклар, давлат корхоналарининг соғ фойдаси, давлат мулкини ижарага беришдан олинадиган даромадлар, давлат мулки самарадорлиги.

ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДОХОДОВ БЮДЖЕТА ОТ
ГОСУДАРСТВЕННОЙ СОБСТВЕННОСТИ

PhD Усманов Каҳрамонжон Ақбаралиевич
Ташкентский государственный экономический университет.

Аннотация. В данной статье изложены анализ доходов государственного бюджета от государственного имущества и проблемы в данной сфере. Также, исходя из зарубежного опыта и анализа в данной отрасли разработаны научно-практические выводы и предложения.

Ключевые слова: государственное имущество, доходы от государственного имущества, дивиденды по государственной доле, чистая прибыль государственных предприятий, доходы от сдачи государственного имущества, эффективность государственного имущества.

INCREASING THE EFFICIENCY OF BUDGET REVENUES FROM STATE PROPERTY

PhD Usmanov Kahramonjon Akbaralievich
Tashkent State University of Economics

Abstract. The analysis of budget revenues from state property and problems in this sphere are given in this article. Also, based on international experiences and analysis in this sphere scientific-practical conclusions and proposals were developed.

Key words: state property, revenues from state property, dividends from state-owned enterprises, net profit of state-owned enterprises, rent on state property, the efficiency of state property.

Кириш.

Солиқсиз даромадларнинг мақсади, солиқли даромадларнидан фарқли равишда турлича бўлиши мумкин. Масалан, давлат божлари юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш учун тўланса, жарима хукуқбузарлик жазоси сифатида тўланади.

Давлат ўз мулкини жойлаштириш орқали дивиденд, фоиз, ижара ҳақи олиши мумкин. Турли мақсадлар учун йиғимлар жорий қилиниши мумкин, масалан Ўзбекистонда табиат объектларидан фойдаланиш учун йиғим жорий қилинган.

Солиқли даромадлар давлат солиқ идоралари томонидан ундирилса, солиқсиз тўловлар турли идоралар, жумладан Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан ундирилади.

Адабиётлар шарҳи.

Ўзбек иқтисодчи олими Маликовнинг (2007) келтиришича, давлат бюджетининг даромадлари миллий даромаднинг қайта тақсимланадиган қисми ҳисобланади.

Иванова (2009) эса солиқларни жамиятда фуқароларнинг ўз ҳақ-хукуқлари, тинчлиги ва шу каби давлат хизматлари учун тўлайдиган бадал сифатида баён қилган.

Григоров (2004) таъкидлашича, бюджет даромадларини прогнозлаштириш – бюджет даромадлари манбалари, турлари бўйича доимий таҳлилларга асосланган ҳолда келгусидаги даромад миқдорларини аниқлашдан иборат.

Макридакс, Вилрайт ва МкГиилар (1983) умумий прогнозлаштириш жараёнларининг назарий асосларини белгилашда салмоқли ҳисса қўшишган. Жумладан, прогнозлаштиришнинг сабаб-оқибат ва даврий қаторлар усусларини батафсил келтириб ўтишган, ва бу усуслардан давлат бюджети даромадларини прогнозлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Бошқа давлатларда давлат мулкидан фойдаланишни оптималлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилади ва бу давлат молиясининг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Масалан, Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида давлат мулкидан келадиган даромадларни ошириш мақсадида стратегия ишлаб чиқилган⁴³.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Солиқсиз тўловларнинг умумий даромадлар таркибидаги улуши 2019 йилда 12,8%ни ташкил қилган бўлса, 2023 йилда 19,5% га тенг бўлган (1-жадвалга қаранг). Бунинг асосий сабаби, давлат улушкига ҳисобланган дивидендлар улушининг кескин ошишидир. Хусусан, олтин қазиб чиқарувчи корхоналар солиқ солиши тизимининг ўзгариши натижасида давлат улушкига ҳисобланган дивидендлар миқдори сезиларли даражада ошган.

1 -жадвал

Солиқсиз тўловлар тушуми динамикаси

№	Тармоқлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
1.	Солиқсиз тўловлар, трлн.сўм	14,4	20,0	26,5	42,1	45,2
2.	Давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи, %	12,8	15,1	16,1	20,9	19,5

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

⁴³ <https://www.djkn.kemenkeu.go.id/artikel/baca/15606/optimization-of-state-assets-in-jakarta-upon-relocation-of-capital.html>

Божхона божлари ва йиғимлари ҳам солиқсиз тўловларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Уларнинг тушумлари эса экспорт-импорт ҳажми билан чамбарчас боғлиқ ва тушумларини шу динамикада кўриш мақсаддага мувофиқ.

2-жадвал

Божхона божлари ва божхона йиғимлари динамикаси

	Ўлчов бирлиги	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
АҚШ доллари курси	долл./сўм	8 851	10 064	10 650	11 046	11 700
Экспорт	млн.долл.	17 459	15 102	16 663	19 309	23 649
Импорт	млн.долл.	24 292	21 154	25 508	30 699	37 953
Божхона божи ва божхона йиғимлари	млн.долл.	329	409	529	630	1 029
Импортга нисбатан	%	1,4	1,9	2,1	2,1	2,7

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

2019 йилда божхона божлари ва божхона йиғимларининг импорт ҳажмига нисбати 1,4% ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб 2,7% гача ўсди. Бунда божхона маъмурчилигининг яхшиланиши, божхона расмийлаштируви жараёнидаги ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатган (2-жадвалга қаранг).

Кейинги 3-4 йилда мамлакатимизда тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Республика бўйича тадбиркорлар учун кредит ва субсидия олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш, экспорт каби масалаларда қўплаб янги имконият ва шароитлар яратилди.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига ортиқча аралашувлар, тафтиш-текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича мавжуд чекловлар, тўсиқ ва ғовларнинг аксариятига барҳам берилди. Амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ давлат идораларида ҳамда жамиятимизда тадбиркорларга нисбатан муносабат ўзгарди.

Бугунги кунда, ишбилармонлик мухитини яхшилаш мақсадида тадбиркорлик фаолияти солиқ ва божхона тизимини такомиллаштириш, ресурс, кредитлар ва субсидиялар ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фойдали хизмат муддати тугаган, тўлиқ эскирган ускуналардан фойдаланиш учун тўлов бекор қилинди.

Солиқсиз тўловларнинг яна бир хусусияти шундаки, бу тушумларнинг даврийлиги нобарқарор ҳисобланади. Солиқли даромадларда тушумлар барқарор (мавсумий бўлса ҳам) характерга эга бўлса, солиқсиз даромадларнинг тушумларида бундай ҳолат кузатилмайди.

Мисол учун, республикада ишлаб чиқариладиган автомобилларни олиб бир йил ичida қайта сотадиганлар учун катта давлат божи белгиланган эди. Бу бир томондан, аҳоли барибири бу божни тўламаслигига олиб келса, иккинчи томондан автомобиллар савдосидаги ҳолат ўзгармаган. Барибири, янги автомобиллар сотилиши давом этган ва аҳоли бож тўлашни бошқа йўлларидан фойдаланган.

Италия даромадлар агентлиги раҳбари П.В. Барбантини ва унинг ўринбосари П. Савиниларнинг таъкидлашича⁴⁴, даромадлар маъмурчилигида рақамлаштириш орқали давлат бюджетида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилган. Хусусан, 2017 йилда кўшимича 1,3 млрд. евро даромад тушишига эришилган. Бунда асосий эътибор турли идоралардаги маълумотларнинг ўзаро солиштирилишига қаратилган.

Глобал тараққиёт маркази (АҚШ, Вашингтон) тадқиқотчилари М. Кангиано, А. Гелб, Р. Гудвин-Гроенлар томонидан Хиндистон, Мексика, Эстония, Гана

⁴⁴ https://www.iota-tax.org/sites/default/files/publications/public_files/impact-of-digitalisation-online-final.pdf

давлатларида давлат молиясими бошқаришда рақамлаштиришдан олинган самаралар миқдорий таҳлил қилинган⁴⁵. Мазкур тадқиқотдан ҳам давлат молиясидаги транзакцияларнинг рақамлаштирилиши орқали ҳисоботларнинг сифати ошиши ва бюджет фойда кўриши ёритилган. Бошқа томондан эса, бу даромад тўловчилар учун ҳам қулайлиги эмпирик кузатишлар ёрдамида кўрсатиб берилган.

Бундан хулоса чиқариш мумкинки, солиқсиз тўловларни бошқаришнинг самарали ва замонавий усули, бу – рақамлаштиришdir. Шунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.2023й.даги ПФ-27-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” Фармони иловасининг 96-бандига мувофиқ илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмурчилигини тубдан ислоҳ қилиш республикадаги долзарб вазифалардан бири эканлиги қайд қилинган.

Давлат бюджетининг солиқсиз тушумларидағи яна бир катта йўналиш – давлат мулкини ижарага беришдан олинадиган даромадлар ҳисобланади. Бунда тадбиркорлик субъекти ёки бошқа субъектнинг давлат мулки ҳисобланадиган (шу жумладан, ҳокимликлар, бюджет ташкилотлари балансидаги) обьектларни маълум бир ҳақ эвазига ижарага олади.

Давлат мулкини ижарага бериш тартиби ва ставкалари қонунчилик билан белгиланади. Амалда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.04.2009 йилдаги 102-сонли “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига асосан тартибга солинади.

Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари энг кам ставкаларини ҳисоблаб чиқиши асосида тегишли коэффициентлар белгиланган ҳолда ҳар йили 31 декабргача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Марказларнинг транзит ҳисоб рақамларига тушадиган ижара тўлови маблағларининг 25 фоизи тегишли маҳаллий бюджет даромадига, 25 фоизи — Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасига, 40 фоизи — давлат мулкини балансида сақловчига ва 10 фоизи — тегишли марказга йўналтирилади.

3-жадвал

Тошкент шаҳри бўйича 2023 йилда 1 кв.метр учун давлат мулкини савдо йўналиши бўйича ижарага беришнинг йиллик ставкалари, минг сўм (Қарор, 2022)

№	Кўрсаткичлар номлари	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона	5-зона
1	Улгуржи савдо	499	402	305	208	121
2	Чакана савдо	749	603	457	312	182
3	Умумий овқатланиш	499	402	305	208	121
4	Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиш	477	384	291	199	116
5	Китоб дўконлари	48	38	29	20	12
6	Ломбардлар	602	485	368	251	146

3-жадвалга кўра, 5-зона бўйича чакана савдо йўналашида 1 кв.м майдон учун йиллик ижара ҳақи миқдори 182 минг сўмни ташкил қиласи. Мисол учун, 60 кв.м майдонда савдо нуқтаси бир йилда 10,9 млн сўм, бир ойда эса 909 минг сўм тўлаши керак.

Тошкент давлат юридик университети, юридик техникумлар ва Тошкент давлат юридик университети хузуридаги академик лицейнинг мол-мулкини ижарага

⁴⁵ <https://www.cgdev.org/sites/default/files/public-financial-management-and-digitalization-payments.pdf>

беришдан келиб тушадиган маблағлар электрон савдо майдончаси оператори тўловини чегириб ташлаган ҳолда, тўлиқ ҳажмда мазкур муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади.

4-жадвалдан кўринишича, давлат мулкини ижарага беришдан олинадиган бюджет даромадлари (бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратма қилингандан ташқари) инфляция даражасидан орқада қолмоқда.

Давлат мулкини хусусийлаштириш орқали нафақат бюджет даромадларини шакллантириш, балки миллий даромадни ошириш кўзда тутилаётганлиги ҳам кўплаб тадқиқотларда ўз аксини топган. Мисол учун, “Гарвард Бизнес Шарҳлари” журналидаги тадқиқотларга⁴⁶ кўра, ўтган асрнинг охирида хусусийлаштириш жараёнларининг турли соҳаларга таъсиrlари ўрганилган ва хусусийлаштириш шартлари унинг самарадорлигини белгилаши эмпирик қузатишлар билан баҳолаб берилган.

4-жадвал

Давлат мулкини ижарага беришдан тушадиган даромадлар динамикаси

	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Давлат мулкини ижарага беришдан олинадиган бюджет даромадлари (бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалардан ташқари), млрд сўм	40,0	27,2	51,6	55,6	58,7
Ўтган йилга нисбати, %	x	68,0	189,7	107,8	105,6
Инфляция даражаси, %	15,2	11,1	10,0	12,3	10,7

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

ОЕСД давлатларидағи XXI аср бошларида хусусийлаштириш жараёнларини ва тажрибалари ҳам⁴⁷ бу борадаги тажрибаларни таҳлил қилиб, фонд бозорлари ривожланиш тенденцияларини баён қилиб берган. Тармоқлар кесимида кўпроқ телеком соҳасидаги хусусийлаштириш жараёнлари таҳлил қилинган ва бу соҳага инвестиция жараёнларини тезлашганлиги орқали кўрсатиб берилган.

Демак, республикамизда хусусийлаштириш жараёнларига фақат бюджет даромадларини тўлдириш мақсадида эмас, балки тармоқларни ривожлантириш асосий мақсад сифатида ёндашиш зарур.

Давлат мулкидан келадиган даромадларни ўзига хос хусусияти, давлат улушкига ҳисобланган дивидендлар ёки давлат мулкининг ижарасини тегишли тармоқ билан тақсимлаб олиш меъёрларини оптималлаштиришдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил учун давлат бюджети тўғрисида Қонунининг 14-моддасида бу масалага тўхталиб ўтилган, унга кўра, 2022 йилда давлат улушкига ҳисобланган дивидендларнинг камида 50 фоизи давлат бюджетига ўтказилиши белгиланган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, давлат улushi бўйича дивидендлар бюджетга ўтказилиши лозим.

Шу билан бирга, ушбу нормаларни четлаб ўтиш мақсадида, бюджетга тўланиши лозим бўлган дивидендларни бошқа мақсадларда, масалан, корхона харажатлари (товар ёки хизматларни сотиб олиш) ёки ташкил этилаётган корхонанинг устав капиталига ҳисса қўшишга йўналтириш учун қарор қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда, бюджет олдиаги мажбуриятлари оптималлаштирилади.

⁴⁶ <https://hbr.org/1991/11/does-privatization-serve-the-public-interest>

⁴⁷ <https://www.oecd.org/daf/ca/corporategovernanceofstate-ownedenterprises/48476423.pdf>

Давлат мулкларини бозор баҳосини аниқлаш ва энг минимал қийматдаги (ижараға берганда, депозитта қўйилганда ва х.к.) даромадларини ҳисоблаш

Давлат корхоналарини инвестициявий харажатларини аниқлаш ва уларнинг заруриятларини таҳлил қилиш

Давлат мулки бўйича келадиган даромадларни тармоқнинг ўзида қолдириш ёки бюджеттага ўтказишни самараларини ўзаро таққослаш

Давлат мулкидан келадиган даромадларни тармоқ ва бюджет ўртасида тақсимлаш меъёрларини оптималлаштириш

Тармоқ ихтиёрида қолган маблағларни солиқ солиши базасини кенгайтирилганлигини таҳлил қилиш

1-расм. Давлат мулкини бошқаришдан келадиган даромадларни шакллантириш методологияси

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Масалан, йил охирида давлат улуши бўйича олинган дивидендларнинг 100 млрд. сўм миқдоридаги қисмини янги корхона ташкил этиш учун йўналтиришга қарор қабул қилинди. Бу ҳолда, давлат 100 миллиард. сўм улушкини йўқотади.

Бу ҳолатда яратилаётган янги корхона давлат улуши бўйича бюджеттага дивиденд тўловчи корхоналар занжиридан тушиб қолади, ва олинган 100 млрд. сўм маблағ бюджет олдида ҳеч қандай мажбуриятларсиз исталган мақсадда фойдаланиш мумкин.

Хуноса ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат мулкидан келадиган даромадларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим бўлади деб ҳисоблаймиз:

1. Давлат улуши бор субъектлардан дивидендлар миқдорини қатъийлаштирган ҳолда минимал қийматларини белгилаш зарур бўлади;
2. Давлат мулкидан келадиган даромадларни самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиши керак;
3. Давлат мулкидан келадиган даромадларни самарадорлигини баҳолаш учун рақамли платформалар жорий қилиш ва уни ягона орган орқали марказлашган ҳолда бошқарилишини таъминлаш;
4. Давлат мулкидан келадиган даромадларни самарадорлигини ошириш мақсадида давлат ва хусусий сектордаги ўзаро молиявий юкламаларни солиштирма таҳлилини ўтказиш ва хуносалар чиқариш керак бўлади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Makridakis S., Wheelwright S., McGee V. (1983) *Forecasting, methods and applications.* – New York: Malloy Lithographing, Inc., –926 р.

Григоров В.Э. (2004) *Перспективное финансовое планирование в муниципальных образованиях Российской Федерации / В.Э. Григоров.* –М.: Фонд «Институт Экономики города», –123 с.

Иванова Н.В. (2009) *Развитие научных представлений о налогообложении: общие и частные теории налогов. Интернет-журнал «Науковедение» - <http://naukovedenie.ru.>, №1 (октябрь-декабрь), ISSN 2223-5167.*

Қарор (2022) Тошкент шаҳар Ҳалқ депутатлари кенгашининг 2022 йил 30 декабрдаги 13-сонли қарори

Маликов Т., Хайдаров Н., (2007) “Давлат бюджети” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, -84 б.